

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc 24/30.12.2019.GM/41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА
ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИ ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

АГЗАМОВА СЕВАРА АВАЗОВНА

**ИЗЛОВ ВА РАЗВЕДКА ҚУДУҚЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ҚАТЛАМНИ ГИДРОКИСЛОТАЛИ ЁРИШ СИФАТИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ГЕОЛОГИК ОМИЛЛАР**

04.00.07- “Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш”

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

АГЗАМОВА СЕВАРА АВАЗОВНА

Излов ва разведка кудукларини ўзлаштиришда қатламни гидрокислотали ёриш сифатига таъсир этувчи геологик омиллар.....3

АГЗАМОВА СЕВАРА АВАЗОВНА

Геологические факторы, влияющие на качество гидрокислотного разрыва пласта при освоении поисковых и разведочных скважин.....21

AGZAMOVA SEVARA AVAZOVNA

Geological factors affecting the quality of hydro-acid fracturing during the development of prospecting and exploration wells.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc 24/30.12.2019.GM/41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА
ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИ ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

АГЗАМОВА СЕВАРА АВАЗОВНА

**ИЗЛОВ ВА РАЗВЕДКА ҚУДУҚЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ҚАТЛАМНИ ГИДРОКИСЛОТАЛИ ЁРИШ СИФАТИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ГЕОЛОГИК ОМИЛЛАР**

04.00.07- Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/GM97 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Юлдашев Гафур
геология-минералогия фанлари доктори

Умаров Акромиддин Зайнидинович
геология-минералогия фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги Dsc 24/30.12.2019.GM/41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 19 » август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№4239 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: igirnigm@ing.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил « 26 » июль куни тарқатилди.
(2022 йил « 12 » майдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



Шоймуротов Т.Х.
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш раиси г-м.ф.д., к.и.х.

Юлдашева М.Г.
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш илмий котиби, г-м.ф.н., к.и.х.

Богданов А.Н.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, г-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ҳамма нефть -газли регионларда маҳсулдор горизонтларнинг геологик- физик шароитларини ёмонлашуви, ҳамда ётиш чуқурлигини ва ҳар хиллигини ортиб бориши, коллекторларнинг сизиш -ҳажмий хоссаларининг пасайиши, паст амплитудали кичик тузилмалар улушининг ортиши ва бошқалар туфайли геологик-қидирув ишларининг (ГҚИ) самарадорлигини пасайиши кузатилмоқда, улар геологик - қидирув кудукларида нефть ва газга тўйинган интервалларни синашда углеводород оқимларининг олинмаслигини асосий сабабларидан бири ҳисобланади ва тузилмаларни истиқболсиз деб баҳоланишига таъсир этади. Шу сабабли, нефтьгаз саноатининг устувор вазифаларидан бири мураккаб коллекторлардан нефть ва газ олиш имконини берибзаҳираларни орттиришга таъсир этувчи углеводород оқимларини жадаллаштиришни янги технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобланади.

Дунёда ҳозирги вақтда углеводород хом-ашёси заҳираларини орттириш учун оқимларни жадаллаштиришни усулларини танлашга таъсир этувчи геологик омилларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу долзарб муаммо бўлган вазифаларни ҳал этиш учун турли тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: тузилмалар ва конларнинг геологик, фильтрацион, гидродинамик моделлаштириш, кудукларни геофизик тадқиқоти маълумотларини қайта изоҳлаш, геологик –қидирув кудуклари кесимидаги нефть ва газга тўйинган интервалларни ажратиш усулларини такомиллаштириш, углеводород оқимларини янги жадаллаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

Республикамизда ёқилғи-энергетика комплексини ҳар томонлама ривожлантириш учун халқаро стандартларни жорий этиш, ГҚИ ни такомиллаштириш, илмий-тадқиқот, регионал геологик-съемка, геофизик, нефть ва газга кудуклар бурғилаш ишлари ҳамда замонавий ускуналар, технологиялар, дастур маҳсулотлари, махсус ва автотранспорт техникалари билан таъминлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларининг жадал ривожланишига қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Шунга асосланиб, Бухоро – Хива регионидаги кўплаб истиқболли майдонларни ва излов бурғилашига тайёрланган ва киритилган структураларни аниқлаш ҳамда Бешкент эгилмасидаги излов ва разведка кудукларини ўзлаштиришда қатламни кислотали гидравлик ёриш (ҚКГЁ) сифатига таъсир этувчи геологик омилларни ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.//Ўзбекистон Республикасини қонун ҳужжатлари тўплами 6-сон 2017й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон «2017-2021 йилларда УВ-хомашёси қазиб олишни кўпайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3372-сонли ««Ўзбекнефтгаз» АЖ учун минерал хомашё базасини ривожлантириш ва кўпайтиришнинг 2017-2021 йиллар даври учун давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388 сонли «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг нефтгазли регионларидаги углеводород конларида излов ва разведка қудуқларини янги технологиялар билан синаш сифатига геологик омиллар таъсирини ўрганишга И.М. Аллахвердиев, А.А. Анвар Хусен, И.С. Афанасьев, Б.А. Багиров, С.И. Бочин, А.В. Буднов, Ш.Р. Ганиев, Г.Г. Гилаев, Е.А. Гладков, И.А. Гуськова, Е.Ф. Захарова, А.М. Зиновьев, Т.М. Doscher, Р. Еса, А.А. Казакова, С.И. Кудряшов, К.С. Кулинич, Р.М. Курамшин, Г.А. Малышев, Ш. Марти, А.В. Михайлов, Р.Х. Муслимов, А.В. Лисенков, Ю.В. Николаенко, М.Я. Хабибулин, Р.С. Хисамов ва бошқалар ишлари бағишланган.

Бухоро-Хива региони (БХР) ҳудудида излов ва разведка қудуқларини ўзлаштиришда нефть ва газга тўйинган интерваллардан углеводород оқимларининг олинмаслик сабабларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар аввал В.А. Кудряков, Г.С. Абдуллаев, Э.К. Ирматов, У.К. Абдуазимов, Р.Р. Юсупов, Н.Н. Махмудов, О.Г. Хайитов, О.А. Қаршиев, Х.А. Ташходжаев, П.У. Ахмедов, З.С. Убайходжаева, О.Г. Усманов, Ф.Э. Меглиев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра БХР нинг асосан рифли фация ётқизиқлари ривожланган зонадаги 18 та майдонида қўшимча ГҚИ ўтказиш учун қайтарилган. Аввал бажарилган излов ва разведка ишлари натижасида маҳсулот ололмасдан тугатилган излов-қидирув бурғи қудуқларидан саноат миқёсидаги углеводород оқимлари олинган.

Коллекторларнинг фильтрация-сиғим хусусиятларининг пастлиги, геологик тузилишининг ҳилма хиллиги, аномал юқори қатлам босими ва бошқа омиллар билан тавсифланиши ҳамда геологик-разведка қудуқларини синашда янги жадаллаштириш технологиялари кенг қўлланилаётган БХР

нинг депрессион фация ётқизиқлари ривожланган зонада ГҚИ ҳажми ортмоқда. Шу сабабли аввал нефть ва газга истиқболли тузилмалар фондидан чиқарилган излов ва разведка кудуқларининг геологик ва геофизик маълумотларини қайта изоҳлашни ва таҳлил қилишни давом эттириш, уларда салбий натижалар олинмиш сабабларини аниқлаш ва углеводород оқимларини жадаллаштириш усуллари самарадорлигини тадқиқот қилишни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ДМ илмий-тадқиқот ишлари режасининг 7-11 “Бухоро-Хива ва Хисор регионларида геологик-разведка ишлари самарадорлигини орттириш учун янги излов майдонлари ва конларининг седиментацион-ҳажмий моделларини ишлаб чиқиш” (2011-2012), 6-13 “Бухоро-Хива ва Устюрт регионларидаги янги разведка майдонлари ва конларининг юра ва юрагача бўлган ётқизиқларидаги маҳсулдор горизонтлари жинсларини седиментацион-ҳажмий моделларини ишлаб чиқиш” (2013-2014), 8-7 “Бухоро-Хива регионларидаги янги майдонларни ва конларининг юра карбонат формациясидаги маҳсулдор қатламлардаги жинсларнинг седиментацион-ҳажмий хоссаларини ўрганиш” (2017-2018), 13-19 ННГ “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги бурғилаш режасига киритилган излаш-разведка бурғи кудуқларининг кон-геофизик маълумотларини АСО “INGEF-W”да тезкор комплекс изоҳлаш” (2019), 2-20 ГКГ “Ўзбекистон Республикаси нефть-газли регионларининг тектоник районлаштириш электрон хариталарини яратиш” (2020), 53-21 “АЖ “Ўзбекнефтгаз” бўйича излов ва разведка бурғи кудуқлари кон-геофизик маълумотларини АСО “INGEF-W”да тезкор комплекс изоҳлаш” (2021) мавзуларидаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади излов ва разведка кудуқларини ўзлаштиришда қатламнинг кислотали гидравлик ёриш сифатига геологик омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш ва усулни самарали қўллаш учун мос келувчи “номзод” - кудуқларни танлаш мезонини асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қатламни кислотали гидравлик ёриш сифатига таъсир этувчи геологик омилларни ўрганиш бўйича тадқиқот натижаларини тартиблаштириш ва умумлаштириш;

излов ва разведка кудуқларини ўзлаштиришда нефть ва газга тўйинган интервалларда углеводород оқимларининг йўқлиги сабабларини аниқлаш;

Бешкент эгилмасидаги депрессион фация ётқизиқлари ривожланган майдонлар ва конлардаги излов ва разведка кудуқларини ўзлаштиришда қатламнинг кислотали гидравлик ёриш натижаларига геологик омиллар таъсир даражасини ўрганиш;

қатламни кислотали гидравлик ёришни самарали қўллашда геологик-физик шароитларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бешкент эгилмасининг депрессион фациялар ривожланган ётқизиклар зонасидаги конлар ва майдонларда бурғиланган излов ва разведка қудуқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети излов ва разведка қудуқларини синашда қатламни кислотали гидравлик ёриш усули самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Геологик ва геофизик маълумотларни тартиблаштириш ва комплекс таҳлил қилиш, бурғи қудуқларини синаш натижаларига статистик ишлов бериш, геологик омиллар маълумотларини нопараметрик мезонлар билан баҳолаш ва “ранг” бўйича таснифлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

газга тўйинган ораликлардаги жинсларда газ оқимининг йўқлиги сабаблари аниқланган, излов ва разведка қудуқларини синашда углеводород оқимларини жадаллаштириш методларини қўллаш ишлаб чиқилган;

турли методика ва технологиялар билан синалган излов ва разведка қудуқларидан олинган натижалар таққосланиб, уларнинг самарали услублари асосланган;

турли геологик-физик шароитлардаги конлар қатламларини кислотали гидравлик ёришни қўллаш заруриятини асослаш имконини берувчи, усулнинг сифатига геологик омилларнинг таъсир даражаси ишлаб чиқилган;

қатламга кислотали гидравлик ёриш усулини қўллаш учун мос келадиган “номзод”- қудуқлар танланган ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда танлаш имконини берувчи геологик омилларнинг йиғинди “ранг” бўйича боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

депрессион фация ётқизиклари ривожланган зонадаги излов ва разведка қудуқларини синашда углеводород оқимларини жадаллаштириш усуллари сифатига таъсир этувчи геологик ва технологик омиллар аниқланган;

излов ва разведка қудуқларини ўзлаштириш сифати углеводород оқимларини жадаллаштириш усуллари қўлланилган ва қўлланилмаган ҳоллар учун баҳоланган;

излов ва разведка қудуқларини синаш ва геофизик тадқиқотлар натижаларининг мос келмаслик сабаблари ўрганилган;

Қирққулоч, Дарахтли ва Шимолий Култак газконденсат конларида илгари тугатилган излов ва разведка қудуқларини қайта тиклаш ва дебитини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги 42 та излов ва разведка қудуқларидаги синаш ишлари амалий натижаларни қатламни кислотали гидравлик ёриш усулини самарали қўллаш учун ўрнатилган мезонлар билан таққослаш ҳамда тавсияларнинг 6 та излов ва разведка қудуқларида жорий этилганлигига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти депрессион фация ётқизиклари ривожланган зонадаги конлар ва қидирув майдонларидаги излов ва разведка қудуқларини синашда газга тўйинган интервалларда газ оқимининг бўлмаслик сабабларини аниқлаш ва газ оқимини жадаллаштириш усулларини қўллаш заруриятини асослаш ҳамда самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлиб, излов ва разведка қудуқларини ўзлаштириш сифатини ошириш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти излов ва разведка қудуқларини анъанавий ҳамда янги технологияларни қўллаб ёки қўлламасдан синаш сифатининг баҳоланганлиги, қатламнинг кислотали гидравлик ёриш натижаларига геологик омилларнинг таъсир даражасининг микдорий баҳоланганлиги, ҚКГЁ усулини самарали қўллашни геологик омилларнинг йиғинди “ранг”и бўйича қатламнинг газга самарали тўйинган қалинлигидан боғлиқлигига асосланган ёндашувдан иборат бўлиб, излов ва разведка қудуқларида ҚКГЁ самарадорлигини орттиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. БХР Бешкент эгилмасида депрессион фация ётқизиклари ривожланган зонадаги кон ва майдонлардаги излов ва разведка қудуқларини ўзлаштиришда қатламни кислотали гидравлик ёриш сифатига таъсир этувчи геологик омиллар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шимолий Култак газконденсат конидаги 1, 3-сонли излов қудуқларида ҚКГЁ ни ўтказиш бўйича тавсия Муборак НГҚОБда амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 29 ноябрдаги 05-25-2-49-сон маълумотномаси). Натижада, 1, 3-сонли излов қудуқлари дебитини мос равишда 87,5 ва 88 минг м³/суткага орттириш, қудуқларни оқилона ишлатишни ва кондан олинаётган газ таннархини камайтириш имконини берган;

Дарахтли нефтгазконденсат конидаги тугатилган 1, 3-сонли излов қудуқларида ҚКГЁ ни ўтказиб, уларни қайта тиклаш бўйича тавсия “Epsilon Development Company” МЧЖ ХК да амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 29 ноябрдаги 05-25-2-49-сон маълумотномаси). Натижада, 1-сонли ва 3-сонли излов қудуқларида мос равишда 91 ва 27 минг м³/сутка саноат миқёсидаги газ оқимини олиш ва саноат миқёсидаги газ захираларини 15 % га орттириш имконини берган;

Қирқкулоч газконденсат конидаги тугатилган 1-сонли излов ва 4-сонли қидирув қудуқларида ҚКГЁ ни ўтказиб, уларни қайта тиклаш бўйича тавсия “Epsilon Development Company” МЧЖ ХК да амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 29 ноябрдаги 05-25-2-49-сон маълумотномаси). Натижада, қудуқларда мос равишда 87 ва 120 минг м³/сутка саноат миқёсидаги газ оқимини олиш ва саноат миқёсидаги газ захираларини 25 % га орттириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектларининг геологик-физик хусусиятлари ва муаммонинг ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида ҚКГЁ нинг сифатига геологик омилларнинг таъсири ўрганилган ишларни умумлаштириш, конларни ва қидирув ишлари олиб борилаётган тузилмаларнинг геологик-физик хусусиятлари, геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштириш натижалари келтирилган.

Диссертация иши мавзуси бўйича бажарилган ишлар хулосаларини умумлаштириш натижасида ҚКГЁ сифатига кўплаб геологик-физик омилларнинг таъсир этиши кўрсатилган, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: маҳсулдор қатламнинг ётиш чуқурлиги; қатламнинг ўртача самарали газга тўйинган қалинлиги; ғоваклилик коэффициенти; коллекторнинг ўтказувчанлиги; бошланғич (жорий) қатлам босими; қатлам ҳарорати; перфорация интервалидан газнефть туташ юзасигача бўлган масофа; бурғи қудуқлари маҳсулотининг сувланганлиги; қатламнинг ҳар хиллиги (табақаланиш ва қумлилик коэффицентлари). Бунда ҚКГЁ сифатига кўплаб геологик омиллар таъсир этишига қарамай, ҳар бир коннинг геологик-физик шароитларида, одатда маълум сонли геологик омиллар салмоқли таъсир этиши кўрсатилган.

Ишда тадқиқот қилинган БХРнинг Бешкент эгилмасидаги 13 та коннинг ва 5 та қидирув ишлари олиб борилаётган тузилмаларнинг 42 та геологик-қидирув бурғи қудуқлари депрессион фация ётқизиклари ривожланган зонада жойлашган (1-расм). Маҳсулдор XV ва XVa қатламлар 2445 м дан 3900 м гача чуқурликда ётиб, ўтказувчан ва зич оҳактошларнинг мураккаб алмашинувидан иборат. Асосан биогерм қурилмалари ривожланган зоналар маҳсулдор ҳисобланади. XVa қатлам 32 та бурғи қудуғида, жумладан 14 тасида қатламнинг тўлиқ қалинлиги очилган. XVa қатламнинг максимал

қалинлиги Хужум конининг № 3 қидирув бурғи қудуғида – 288 м, минимал қалинлиги эса Чигил конининг № 3 қидирув бурғи қудуғида – 30 м очилган, ўртача қалинлиги 97 м ни ташкил этади. XV қатлам ҳамма 42 та бурғи қудуғида, жумладан 32 тасида қатламнинг тўлиқ қалинлиги бўйича очилган.

Қатламнинг максимал қалинлиги Бахористон конининг 1-сонли қидирув бурғи қудуғида – 149 м, минимал қалинлиги эса Чигил конининг 2-сонли қидирув бурғи қудуғида очилган – 20 м, ўртача қалинлиги 60 м ни ташкил этади.

42 та геологик-қидирув бурғи қудуқларида 119 та объектни синаш натижаларининг таҳлили асосида қуйидагилар кўрсатилган:

- 119 та синаш объектининг фақат 40 тасида (33 %) газ оқими жадаллаштириш усуллари қўлланилмасдан олинган (2-расм);

- 37 та объектда хлорид кислотали ишлов берилгандан сўнг 25 тасида газ оқимлари олинган, усул самарадорлиги – 67,5 %;


- 18 та объектда ҚКГЁ дан сўнг 13 тасида газ оқимлари олинган, жумладан 3 та хлорид кислотали ишловдан сўнг газ оқимлари олинмаган объектлар усул самаралиги 72,2 %;

- 27 та объектда (22 %) газ оқими олинмаганлигига қарамай жадаллаштириш усуллари қўлланилмаган.


Бешкент эгилмасининг, ғовак-дарзли ва дарзли-ғовакли кичик сизиш-ҳажмий хоссали (СХХ) коллекторлар билан хусусиятланувчи, депрессион фацияли кесимини очган геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштириш самарадорлигини жадаллаштириш усуллари қўлланилмаганда жуда кичик – 34 % деб хулоса қилинган. Жадаллаштириш усуллари қўллаш орқали 38 та объектдан газ оқими олиниб, синаш самарадорлигини 65,5 % гача оширишга эришилган.

Диссертациянинг **“Қатламни кислотали гидравлик ёриш натижасига таъсир этувчи геологик омиллар таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида геологик-қидирув бурғи қудуқларида газ оқимининг йўқлиги ва маҳсулдорлигининг камайиши сабаблари, ҚКГЁ технологияси, механизми ва самарадорлигини баҳолаш натижалари, ҳамда жараённи ўтказишда экологик хавфсизлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Геологик-қидирув бурғи қудуқларини синашда углеводород оқимларининг бўлмаслиги ва уларнинг самарадорлигининг камайиш сабабларини ўрнатиш бўйича В.А. Кудряков, А.К. Рахимов, У.Д. Мамаджанов, Г.С. Абдуллаев, Э.К. Ирматов, Н.Н. Махмудов, О.Г. Хайитов, Р.Д. Пулатов, У.К. Абдуазимов, Р.Р. Юсупов, О.А. Каршиев, П.У. Ахмедов, З.С. Убайходжаева, О.Г. Усманов, Ф.Э. Меглиев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини умумлаштириш натижалари келтирилган. Геологик-қидирув бурғи қудуқларидаги газга тўйинган интерваллардан газ оқимининг йўқлиги қатламга бурғилаш эритмасининг зарралари ва фильтратининг кириши, катта депрессияларда қатламнинг қудуқ туби атрофида коллекторларни деформацияланиши, коллекторларда гилларнинг борлиги ва бошқа кўплаб



1-расм. Бухоро-Хива региони Бешкент эгилмасининг шарҳли харитаси (П.У. Ахмедов, З.С. Убайходжаева, 2012 йил, С.А. Агзамова қўшимчалари, 2022 й.)



2-расм. Геологик-қидирув бурғи қудуқларида синаш натижаларининг тақсимланиши (С.А. Агзамова, 2022 й.)

геологик омилларга боғлиқ бўлсада, кичик СХХ депрессион фация ётқизиклари шароитида асосий сабаб бурғилаш эритмасининг заррачалари ва фильтратини қатламга кириши эканлиги кўрсатилган.

БХР нинг Бешкент эгиклигидаги депрессион фация ривожланган зонасидаги 42 та геологик-қидирув, жумладан 27 таси тугатилган ёки тўхтатилган ва 15 таси ишлатиш фондида бўлган, бурғи қудуқларида ўтказилган ҚКГЁ натижалари статистик ишланиб, уларнинг 24 тасида (57,1 %) саноат миқёсидаги газ оқимлари олинган ёки дебитларини оширишга эришилганлиги кўрсатилган (1-жадвал). Бунда ишлатилаётган геологик-қидирув бурғи қудуқларида ҚКГЁ ўтказилгандан сўнг уларнинг бошланғич дебити 0 дан 10 маротабадан ортиқ ошишига эришилган катта ораликда ўзгарган (3-расм).

ҚКГЁ ни ўтказишда фойдаланилган реагентлар, жараён технологияси ва техникалари ҳақида маълумотлар келтирилган. ҚКГЁ ни ўтказишда хлорид кислотасидан ташқари кўплаб кимёвий моддалардан фойдаланиш сабабли экологик хавфсизлик саволларига алоҳида аҳамият бериш зарурияти кўрсатилган. Амалиётда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари талаблари асосида тузилган “Қатламни гидравлик ёришнинг якуний ишларида экологик хавфсизлик регламенти”нинг бажарилиши иш ўтказилган районда экологик ҳолатнинг тикланишини таъминланиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Қатламни кислотали гидравлик ёришни самарали қўллаш учун мос келувчи бурғи қудуқларини асослашнинг моделини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида ҚКГЁ натижаларини умумлаштириш усуллари асосланган, геологик омилларни Кульбак ўлчами ва “ранг”ли таснифлаштириш усуллари билан маълумотдорлигини баҳолаш учун фойдаланилган геологик омиллар ва ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Геологик-қидирув бурғи қудуқлари ҳар хил геологик-физик шароитларда бўлиши ва жараён натижаларига кўплаб геологик омилларнинг бир вақтда таъсир кўрсатиши сабабли, жадаллаштириш усуллари сифатига таъсир этувчи геологик омилларни ва уларнинг таъсир даражасини ўрнатиш, ҳамда геологик-техник тадбирларни ўтказишга мос келувчи бурғи қудуқларини асослаш мураккаб вазифа эканлиги кўрсатилган. Объектнинг бундай кўп омилли ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бевосита статистик усуллар билан ҳал этилган. Маълумотларни қайта ишлашнинг турли вазифаларини ечиш учун кўплаб статистик мезонлар борлиги ва уларнинг ичида фойдаланилган Кульбак ўлчами мезони система ўлчамларига боғлиқ эмаслиги ва уни қўллашнинг кўп қирралилиги билан афзалликларга эга.

Геологик омилларнинг ҚКГЁ сифатига маълумотдорлигини Кульбак ўлчами усули билан баҳолаш натижалари энг катта таъсирни маҳсулдор қатламнинг газга тўйинган қалинлигини хусусиятловчи кўрсаткичларга (самарали газга тўйинган қалинлик, перфорация билан очилган самарали газга тўйинган қалинлик, перфорация қилинган интерваллар сони, газсув

Қудуқлар дебитининг ҚКГЁ дан сўнг ўзгариши


Тартиб сони	Кон, майдон номи	Қудуқ тоифаси	Қудуқ	ҚКГЁ ўтказилган сана	Қудуқ дебити, минг м ³ /сут		Қудуқ дебитининг ўзгариши, минг м ³ /сут
					ҚКГЁ дан олдин	ҚКГЁ дан сўнг	
1	Чигил	Излов	1	07.09.2019й.	0	60	+60
2	Чигил	Излов	2	12.06.2019й.	22	80	+58
3	Чигил	Қидирув	4	02.03.2020й.	21	140	+119
4	Чигил	Қидирув	5	27.11.2019й.	0	65	+65
5	Девхона	Излов	2	10.08.2019й.	0	40	+40
6	Девхона	Қидирув	3	15.08.2019й.	10	34	+24
7	Девхона	Қидирув	4	22.09.2019й.	23	120	+97
8	Девхона	Қидирув	6	17.11.2019й.	0	100	+100
9	Талимаржон	Излов	1	18.06.2019й.	40	75	+35
10	Талимаржон	Излов	2	21.08.2019й.	179	726	+547
11	Талимаржон	Излов	4	22.09.2019й.	23	120	+97
12	Талимаржон	Қидирув	5	31.12.2019й.	0	86	+86
13	Талимаржон	Қидирув	6	06.12.2019й.	0	630	+630
14	Хужум	Излов	2	11.01.2020й.	152	152	0
15	Хужум	Излов	3	01.02.2020й.	0	136	+136
16	Хужум	Қидирув	4	19.12.2019й.	0	360	+360
17	Шимолий Гирсан	Излов	1	02.11.2019й.	0	0	0
18	Шимолий Гирсан	Излов	2	24.09.2019й.	85	100	+15
19	Шимолий Гирсан	Қидирув	4	28.07.2019й.	0	42	+42

1-жадвал давоми

20	Шимолий Гирсан	Қидирув	5	21.12.2019й.	0	0	0
21	Эрназар	Излов	1	28.09.2019й.	60	140	+80
22	Эрназар	Излов	3	29.09.2019й.	80	161	+81
23	Эрназар	Қидирув	4	14.08.2019й.	0	40	+40
24	Эрназар	Қидирув	5	07.10.2019й.	141	220	+79
25	Ғарбий Эрназар	Излов	1	23.08.2019й.	0	0	0
26	Ғарбий Эрназар	Излов	2	17.04.2020й.	0	0	0
27	Қарақара	Излов	1	11.09.2019й.	50	300	+250
28	Қарақара	Излов	2	29.02.2019й.	0	0	0
29	Эшонкудук	Излов	3	27.10.2019й.	0	0	0
30	Назаркудук	Излов	1	17.09.2019й.	40	575	+535
31	Назаркудук	Излов	2	20.11.2019й.	0	0	0
32	Назаркудук	Қидирув	4	25.09.2019й.	30	987	+957
33	Қирккулоч	Излов	1	01.10.2020й.	0	0	0
34	Қирккулоч	Қидирув	4	04.09.2020й.	0	0	0
35	Аловуддин	Қидирув	4	15.10.2020й.	0	0	0
36	Дарахтли	Излов	1	04.11.2020й.	0	0	0
37	Дарахтли	Излов	3	28.11.2020й.	0	0	0
38	Бахористон	Излов	1	25.11.2019й.	0	0	0
39	Бобогул	Излов	3	18.12.2019й.	0	0	0
40	Изганча	Қидирув	4	21.03.2020й.	0	0	0
41	Янгилик	Излов	1	18.09.2020й.	0	0	0
42	Мирбарака	Излов	1	16.02.2020й.	0	0	0

“+” ҚКГЁ дан сўнг газ дебитини ортиши

туташ юзасидан перфорация ораликларининг остки тешикларигача бўлган масофа), уюмнинг энергетик ҳолатига (қатлам босими), коллекторларнинг сизиш-ҳажмий хоссаларига (ғоваклик коэффиценти, газга тўйинганлик коэффиценти) ва маҳсулдор қатламнинг ҳар хиллигига (табақаланиш коэффиценти, гиллилиги) хослигини кўрсатади (2-жадвал). Олинган натижалар газнинг қудуқ тубига оқими назариясига тўлиқ мос келади.



Геологик-қидирув бурғ қудуқлари дебитининг орттиш даражаси

3-расм. ҚКГЁ дан сўнг геологик-қидирув бурғи қудуқлари дебитининг орттиш даражаси (С.А. Агзамова, 2021 й.)

ҚКГЁ ни самарали қўллаш учун мос келувчи бурғи қудуқларини танлашни асослаш учун “ранг”ли таснифлаштириш усулидан фойдаланилди. Геологик омилларнинг олинган йиғинди “ранг”лар миқдорини, ҚКГЁсифатига энг катта таъсир этувчи, қатламнинг самарали газга тўйинган қалинлигидан боғлиқлиги ўрнатилди (4-расм).

Ўрнатилган боғлиқликда учта зона ажралиб: 1-зона, геологик омилларнинг йиғинди “ранг”и 34 дан 48 гача ораликда бўлиб, кичик самарадорлик билан хусусиятланади (21 та ҚКГЁ нинг фақат 7 таси (33,3 %) самарали бўлган; 2-зона, геологик омилларнинг йиғинди “ранг”и 48 дан 54 гача ораликда бўлиб, нисбатан юқори самарадорлик билан хусусиятланади (12 та ҚКГЁ нинг 8 таси (66,7 %) самарали бўлган; 3-зона, “ранг”лар йиғиндиси 54 дан катта бўлиб, ҚКГЁ 100 % лик самара берган (9 ишлов бериш ўтказилган).

Геологик омилларнинг маълумотдорлигини ва “ранг”ини таснифлаштириш тадқиқоти асосида таҳлил қилинган 42 та ҚКГЁ


натижаларининг нисбатан кичик самарадорлиги (57,1 %) геологик-қидирув бурғи қудукларини ўзлаштиришда уларни қўллаш учун етарли даражада асосланмаган танлаш билан боғлиқ деб хулоса қилинган.

2-жадвал

Геологик омиллар маълумотдорлигини баҳолаш натижалари

Тартиб сони	Геологик-физик омиллар	Маълумотдорлик	
		“ранг”ларда	фоизда
1	Қатламнинг газга тўйинган самарали қалинлиги	136,46	23,78
2	Қатламнинг перфорация билан очилган газга тўйинган самарали қалинлиги	78,08	13,57
3	Қатлам босими	56,33	9,86
4	Табақаланиш коэффиценти	51,33	8,88
5	Коллекторнинг гиллилиги	45,0	8,4
6	Газга тўйинганлик коэффиценти	44,46	7,78
7	Ғоваклик коэффиценти	36,99	6,48
8	Перфорация қилинган интерваллар сони	33,84	5,92
9	Газсув туташ юзасидан перфорация интервалининг остки тешиқларигача бўлган масофа	29,88	5,23
10	Газга тўйинган қалинликнинг очилганлик даражаси	28,4	4,87
11	Қатлам ҳарорати	17,57	2,98
12	Қумлилик коэффиценти	12,85	2,25
	Жами	571,19	100

Олинган илмий натижаларнинг Қирққулоч газконденсат конидаги 1-сонли излов ва 4-сонли қидирув бурғи қудуқларида, Дарахтли нефтгазконденсат конининг 1, 3-сонли излов бурғи қудуқларида жорий этилиши натижасида саноат миқёсидаги газ оқимларини олиш ҳамда Шимолий Култак газконденсат конидаги 1, 3-сонли излов бурғи қудуқларида эса уларнинг дебитини ошириш имконини берди.



4-расм. Геологик омиллар “ранг”лар йиғиндисининг горизонтнинг самарали газга тўйинган қалинлигидан боғлиқлиги

ХУЛОСА

“Излов ва разведка қудуқларини ўзлаштиришда қатламни гидрокислотали ёриш сифатига таъсир этувчи геологик омиллар” диссертация тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. 42 та геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштириш натижаларининг таҳлили асосида қуйидагилар кўрсатилган:

- 119 та синаш объектининг фақат 40 тасида (33 %) газ оқими жадаллаштириш усуллари қўлланилмасдан олинган, 79 тасида (67 %) эса газ оқимлари олинмаган;

- 37 та объектда хлорид кислотали ишлов берилгандан сўнг 25 тасида газ оқими олинган, усул самарадорлиги – 67,5 %;

- 18 та объектда ҚКГЁ дан сўнг 13 тасида газ оқимлари олинган, усул самарадорлиги – 72,2 %;

- 27 та (22 %) объектда газ оқимлари олинмаганлигига қарамасдан жадаллаштириш усуллари қўлланилмаган.

2. Бешкент эгилмасининг, ғовак-дарзли ва дарзли-ғовакли кичик сизиш-ҳажмий хоссали коллекторлар билан хусусиятланувчи, депрессион

фацияли кесимини очган геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштириш самарадорлиги жадаллаштириш усуллари қўлланилмаганда жуда кичик (33 %) деб хулоса қилинган. Жадаллаштириш усуллари қўллаш орқали 38 та объектдан газ оқимлари олинб, ўзлаштириш самарадорлигини 65,5 % гача оширишга эришилган.

3. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳамда Бешкент эгилмасидаги кон ва майдонлардаги геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштириш маълумотларини умумийлаштириш натижасида газга тўйинган интерваллардан газ оқимлари олинмаслигининг асосий сабаби бурғилаш эритмаси қаттиқ заррачалари ва фильтратининг маҳсулдор қатламга кириши эканлиги кўрсатилган.

4. Қатламни кислотали гидравлик ёриш усули қўлланилгандан сўнг бурғи қудуқларининг бошланғич дебитларининг ортиш даражаси 0 дан 10 маротабадан ортиқ катта ораликда ўзгариши кўрсатилган. ҚКГЁ таҳлил этилган бурғи қудуқларида ягона технология асосида ўтказилганлиги учун натижаларнинг бундай катта ораликда ўзгаришининг сабаби геологик омиллар деб хулоса қилинган.

5. Бешкент эгилмасидаги кон ва майдонлардаги геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштиришда ҚКГЁ сифатига геологик омилларнинг маълумотдорлиги – таъсир даражаси Кульбак усули қўллаб ўрнатилган. ҚКГЁ натижаларига таъсир даражаси бўйича геологик омиллар қуйидаги тартибда тақсимланиши аниқланди: самарали газга тўйинган қалинлик (23,78 %); перфорация билан очилган самарали газга тўйинган қалинлик (13,57 %); қатлам босими (9,86 %); табақаланиш коэффиценти (8,88 %); коллектор гиллилиги (8,4 %); газга тўйинганлик коэффиценти (7,78 %); ғоваклик коэффиценти (6,48 %); перфорация қилинган интерваллар сони (5,92 %); газсув туташ юзасидан перфорация оралигининг остки тешиқларигача бўлган масофа (5,23 %); газга тўйинган қалинликни очиш даражаси (4,87 %); қатлам ҳарорати (2,98 %); қумлилик коэффиценти (2,25 %).

6. “Ранг”ли таснифлаштириш усули қўлланилиб геологик омилларнинг йиғинди “ранг”лар миқдорини қатламнинг самарали газга тўйинган қалинлигидан боғлиқлиги ўрнатилди. Ўрнатилган боғлиқликда ҚКГЁ самарадорлиги бўйича 3 та зона ажратилди: кичик – геологик омилларнинг йиғинди “ранг”и 34 дан 48 гача бўлган ораликда; ўрта – геологик омилларнинг йиғинди “ранг”и 48 дан 54 гача бўлган ораликда ва юқори – “ранг”лар йиғиндиси 54 дан катта бўлганда. Ушбу боғлиқликни ҚКГЁ усулини излаш ва геологик-қидирув бурғи қудуқларини ўзлаштиришда самарали қўллашга мос келувчи қудуқларни асослаш учун тавсия этилди.

7. Илмий натижаларни тугатилган Қирққулоч газконденсат конидаги 1-сонли излов ва 4-сонли қидирув қудуқларида, Дарахтли нефтгазконденсат конининг 1, 3-сонли излов қудуқларида жорий этиш натижасида саноат миқёсидаги газ оқимларини олиш ҳамда Шимолий Култак газконденсат конидаги ишлатилаётган 1, 3-сонли излов қудуқларининг дебитини ошириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
Dsc 24/30.12.2019.GM/41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ
ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

АГЗАМОВА СЕВАРА АВАЗОВНА

**ГЕОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА КАЧЕСТВО
ГИДРОКИСЛОТНОГО РАЗРЫВА ПЛАСТА ПРИ ОСВОЕНИИ
ПОИСКОВЫХ И РАЗВЕДОЧНЫХ СКВАЖИН**

04.00.07- Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/GM97

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (реюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ing.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Гафур**
доктор геолого-минералогических наук

Умаров Акромиддин Зайнидинович
кандидат геолого-минералогических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится « 19 » августа 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней Dsc 24/30.12.2019.GM/41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул.Олимлар, 64, блок Б; e-mail: igirnigm@ing.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУ «ИГИРНИГМ» (регистрационный номер №4239). Адрес: 100164, г.Ташкент, ул.Олимлар, 64, блок Б; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Автореферат диссертации разослан « 26 » июля 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от « 12 » мая 2022 года.)



Шоймуратов Т.Х.

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

Юлдашева М.Г.

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.-м.н., с.н.с.

Богданов А.Н.

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире во всех нефтегазоносных регионах наблюдается снижение эффективности геологоразведочных работ (ГРР) вследствие ухудшения геолого-физических условий, а также увеличения глубины залегания и неоднородности продуктивных горизонтов, снижения фильтрационно-емкостных свойств коллекторов, увеличения доли низкоамплитудных мелких структур и др., которые являются одной из основных причин отсутствия притоков углеводородов при испытании нефте- и газонасыщенных интервалов поисковых и разведочных скважин, что влияет на оценку структур как бесперспективных. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой отрасли является разработка и применение новых технологий интенсификации притоков углеводородов, которые способствуют получению нефти и газа из сложных коллекторов, что влияет на увеличение прироста запасов.

В настоящее время в мире особое внимание уделяется изучению геологическим факторам, влияющих на выбор методов интенсификации притоков для увеличения прироста запасов углеводородного сырья и др. Для решения этих задач проводятся различные исследования, в том числе: геологическое, фильтрационное, гидродинамическое моделирование строения структур и месторождений, переинтерпретация материалов геофизических исследований скважин (ГИС), совершенствование методов выделения нефтегазонасыщенных интервалов в разрезах поисковых и разведочных скважин, разработка новых технологий интенсификации притока углеводородов, что является актуальной проблемой.

В республике по всестороннему развитию топливно-энергетического комплекса проводятся работы по внедрению международных стандартов, организации ГРР, научно-исследовательские, региональные геолого-съемочные, геофизические и буровые работы на нефть и газ, а также разрабатываются меры по оснащению производства современным оборудованием, наукоемкими технологиями, программными продуктами, специальной и автотранспортной техникой. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ обозначены функции по “дальнейшей модернизации, диверсификации, направленные на опрежающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей ...” промышленности, путем перевода на качественно новый уровень. Исходя из этого, установление геологических факторов, влияющих на качество кислотного гидравлического разрыва пласта (КГРП) при освоении поисковых и разведочных скважин Бешкентского прогиба на котором сосредоточено

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан». // Собрание законодательства Республики Узбекистан № 6 2017г.

значительное количество перспективных площадей, подготовленных и введенных в поисковое бурение структур БХР, имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2822 от 9 марта 2017 г. “Программе по увеличению добычи углеводородного сырья на 2017-2021 годы”, № ПП-3372 от 3 ноября 2017 г. “Об утверждении Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы по АО “Узбекнефтегаз” на период 2017-2021 годы” и № ПП-4388 от 9 июля 2019 г. “О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергоресурсами, финансовому оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII. “Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)”.

